

Шоядки, такводор бўлсаларингиз Мукаддима

Ўзининг азиз китобида, дунёу охиратда мўминнинг саодатига сабаб бўлувчи такво хакикати баён килган Аллох субханаху ва таолога хамду санолар бўлсин.

Муборак хаётлари такводан иборат бўлган, умматларига такводан таълим берган ва уни амалий равишда кўрсатиб берган муттакийларнинг имоми Расули Акрамга, ахли байтларига ва асхобларига муаттар салавоту саломлар бўлсин.

Азизлар, Аллох азза ва жаллага беҳад шукрлар бўлсин, муборак Рамазон ойига етиб келдик.

Аллох таоло биз мўминларга хитоб килиб:

«Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз килинганидек, сизларга хам рўза фарз килинди. Шоядки, такводор бўлсаларингиз», (Моида 183) дейди.

Шунга кўра, сизлар билан бу сафарги Рамазон ойида такво хакида сухбат килмокчимиз.

Хаммамизга маълумки, ушбу муборак ой, Куръон ойдир, такво ойдир. Келинглари, Куръони Карим такво хакида нималар дейди, бир назар солайлик...

Аввалам бор, такво сўзининг маъносини эслаб олайлик.

«Такво» сўзи «сакланмок», «эхтиёт бўлмок» маъноларини англатади. У «викоя» сўзидан олинган бўлиб, бир нарсани унга озор ва зарар берадиган нарсадан саклашни англатади. Бинобарин, такво ўзини кўркинчли нарсадан саклашдан иборат.

Хазрати Умар розияллоху анхудан: «Такво нима?» деб сўралганда, «Араблар сертикан майдондан ялангоёк бўлиб, тикандан сакланиб ўтиб кетишни такво деб атайдилар», деганлар.

Хаётда гуноҳ ишлар хам худди тиканларга ўхшайди. Ким улардан эхтиёт бўлмаса, озор чекади, улардан сакланиб юрган киши эса такво килган бўлади. Окибатда такво инсон калбидаги холатга айланади. Бу холат калбни хассос килиб, хар доим Аллох таолонинг сезгиси билан яшайдиган килиб кўяди.

Таквонинг истилохий маъноси хакида ўтган азизлардан Толк ибн Хабиб:

«Такво Аллохнинг раҳматидан умидвор бўлиб, Унинг нури ила Унга тоат килмок ва Аллохнинг азобидан кўркиб, унинг нури ила кайтарган ишларини тарк килмокдир», деган.

Куръони Каримда «такво» сўзи «хавф», «кўркиш», «ибодат», «маъсиятни тарк килиш», «тавхид» ва «ихлос» каби маъноларда ишлатилган.

Куръони Каримнинг бир юз етмиш беш оятида «такво» сўзи келган. «Такво» сўзи ва ушбу сўздан турланганларини санайдиган бўлсак, икки юз эллик еттитага етади.

Таквонинг даражалари бўлиб, улар, асосан, учтага бўлинади:

1. Омманинг таквоси бўлиб, у дўзах ва иқобдан кўркишдир. Ушбу турдаги такво

Шоядки такводор бўлсаларингиз

Муаллиф:

06.07.2013 23:27 - Янгиланди 03.07.2017 17:47

фарзларни килиш ва харом ишларни тарк этиш ила амалга оширилади. Инсонлар ушбу таквога мукаллаф бўлиб, уни килмасалар, фосиклар каторида хисобланадилар.

2. Хосларнинг таквоси бўлиб, бунда харом килинган нарсалар тугул, шубхали нарсалар хам Аллохга такво килиб тарк килинади.

3. Хосларнинг хосларининг таквоси. Ушбу даражада Аллох таолонинг йўлида такво килиниб, шубхали нарсалар тугул халол хам тарк этилади. Абзорларнинг яхшилиги, муқаррабларнинг ёмонлиги дейилганидек.

Аллох субханаху ва таолонинг изни ила Рамазон ойининг хар кунида сизларга Куръони Каримдаги такво оятларини тақдим килиб борамиз.

Аллохим, розилигингни истаб бошлаган бу ишимизни хайрли ва самарали килгин. «Эй, иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз килинганидек, сизларга хам рўза фарз килинди. Шоядки, такводор бўлсаларингиз», дединг, рўзадор бўлиб, хакикий такводорлардан бўлиш умидидамиз, каломингни англаб, акл ва калбларимизга сингдиришда Ўзинг мададкор бўлгин. Амалларимизни такводан холи килмагин. Такво килишда бизларга хосларнинг хосларининг даражотларини бергин.

Ва ахиру даъвана анилхамду лиллахи Роббил алабийн.